

**Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги  
ШАРТНОМА № 130**

“24” январь 2022 йил.

Когон тумани.

“Бухоро нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “Маҳсулот етказиб берувчи”) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **И.И.Норов** бир томондан, Шоғиркон Давлат урмон хужалиги (кейинги ўринларда “Истеъмолчи”) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Э.Кенжаев иккинчи томондан, ушбу шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Маҳсулот етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуида келдирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотлари тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 литр нархи (сумда)	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича							
				I-чорак		II –чорак		III –чорак		IV-чорак	
				литр	Сумма	литр	Сумма	литр	Сумма	литр	Сумма
Автобензин АИ-80											
Автобензин АИ-91											
Дизел ёкилгиси ЭКО		12500		846.4	10580000						
ЖАМИ:				846.4	10580000						

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Нефт маҳсулотларини хисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси 10 580 000 (Ўн миллион беш юз саксон минг) сўмни КҚС билан ташкил қиласди.

### 2. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартномага асосан етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархи КҚС (15%) ни ҳисобга олган ҳолда кўрсатилади.

2.2. Шартноманинг умумий суммаси 10 580 000 (Ўн миллион беш юз саксон минг сўм) сўмни КҚС билан ташкил қиласди.

2.3. Нефт маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгартирилган кундан бошлаб етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига янги нарх қўлланилади. “Истеъмолчи”нинг ҳақдорлиги мавжуд бўлгани ҳолда нарх ўзгарган кунгача олиб кетилмаган нефт маҳсулотлари ҳам янги нархларда “Истеъмолчи”га етказиб берилади (сотилади).

2.4. Етказиб бериладиган (берилган) нефт маҳсулотлари учун тўлов 100% гача бўлган пул ўтказиши йўли билан амалга оширилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуклари: а) ушбу шартномага асосан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги нефт маҳсулотлари етказиб беришни “Маҳсулот етказиб берувчи” дан талаб килиш; б) етказиб берилган Нефт маҳсулотлари сифатини аниқлашда иштирок этиш; в) сифатсиз Нефт маҳсулотлари етказиб берилган ҳолларда “Истеъмолчи”: - сифатли ана шундай турдаги нефт маҳсулотларини “Маҳсулот етказиб берувчи” ҳисобидан етказиб берилишини талаб қилиш; - нефт маҳсулотларининг сифатини “Маҳсулот етказиб берувчи” ҳисобидан тиклашни талаб қилиш; - етказиб бериш муддатлари бузилган ёки сифатсиз нефт маҳсулотлари етказиб берилган ҳолларда маҳсулотни қабул қилишини рад этиш; - г) “Маҳсулот етказиб берувчи”дан шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчиларнинг мажбуриятлари: а) мазкур шартномага асосан етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг банкдаги ҳисоб ракамига олдиндан 100% гача микдорда тўловни амалга ошириш; б) шартномага мувофиқ етказиб берилган нефт маҳсулотларини микдор ва сифати бўйича қабул қилиб олиш; в) маҳсулотлардан белгиланган мақсадларда фойдаланиш.

3.3. “Маҳсулот етказиб берувчи” куйидаги ҳуқукларга эга: а) мазкур шартнома мажбуриятлари “Истеъмолчи” томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда ҳамда упинг натижасида “Маҳсулот етказиб берувчи”га моддий зарар етказилса “Истеъмолчи”га нисбаган жарима санксияларини қўллаш ва етказилган зарарни ундириб олиш чораларини кўриш, шу жумладан судларга даъво аризалари киритиш; б) шартномага асосан “Истеъмолчи”га етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилишдан асоссиз бош тортганлиги натижасида етказилган зарарнинг қопланишини “Истеъмолчи”дан талаб қилиш; в) етказиб берилган исфут маҳсулотлари сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқигини таъминлаш; г) агар нефт маҳсулотларини етказиб бериш жараёнида “Маҳсулот етказиб берувчи” шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишга йўл кўйган бўлса, “Истеъмолчи”нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 5 кун муддатда ўз хисобидан бартараф этиш;

#### **4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартилари ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган хисобланади.

4.2. Нефт маҳсулотларини ёнилғи тарқатиш шахобчасида етказиб берилганда, расмийлаштирилган тарқатиш ва рақасида “Истеъмолчи” вакилининг маҳсулотни қабул килганлиги тўғрисида имзоси кўйилган сана, агар маҳсулот “Маҳсулот етказиб берувчи” нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

4.3. Нефт маҳсулотлари учун олдиндан ҳақини тўлаганлиги ва “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг топшириғи (таксимот реестри)га мувофиқ “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан нефт маҳсулотлари етказиб берилганида “Истеъмочи” томонидан ўз вақтида қабул қилиб олиши “Истеъмолчи” томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

4.4. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га ёнилғи тарқатиш шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда ёки транспорт воситасида етказиб берилиши мумкин.

4.5. “Истеъмолчи”нинг розилиги билан ҳаки тўлашган нефт маҳсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Ушбу нефт маҳсулотлари кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган маҳсулот хисобига ўтказилади.

4.6. Назарда тутилган микдордан ортиқча бир номда нефт маҳсулотлари етказиб берилиши ушбу ассортиментга киравчи бошқа номдаги етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган нефт маҳсулотларининг ўрни қопланиши (тўлдирилиши) лозим бўлади, бундай нефт маҳсулотларини етказиб бериш “Истеъмолчи”нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилиши ҳоллари бундан мустасип.

4.7. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари бевосита “Истеъмолчи”нинг масъул ходими томонидан қабул қилиб олинади. Топшириш-қабул қилиш хужжатида етказиб берилган нефт маҳсулоти микдори кўрсатилади. Сифатига оид хужжатнинг нусхаси “Истеъмолчи”нинг талаби билан берилади.

4.8. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

#### **5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.**

5.1. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари хисобига капитал курилишга оид

шартномалари мажбурий тартибда Газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг жорий молия йили давомида амалда бўлади.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Агар етказиб берилган нефт маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, наъмуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартлараг жавоб бермаган тақдирда, “Маҳсулот етказиб берувчи” сифати зарур даражада бўлмаган нефт маҳсулотлари кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2. Нефт маҳсулотларини кечикириб стказиб берини кечикирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Маҳсулот етказиб берувчи” “Истеъмолчи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеня суммасининг умумий миқдори етказиб берилмаган исфут маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда, “Истеъмолчи” “Маҳсулот етказиб берувчи”га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ**

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар – зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала, қонун ва қонуности хужжатлардаги ўзгартиришлар ва хоказолар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайдилар.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўтрасида тарафлар зудлик билан бир-бирларини, “Маҳсулот етказиб берувчи”ни ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда тарафлар, қоидага кўра, мустакил равишда ёки туман (шаҳар)лар хокимликлари хузурида ташкил этиладиган снгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форсмажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора- тадбирларини кўрадилар. Форс-мажор ҳолатларини аниглашда шартнома тарафлари қатнашиши лозим.

## **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

8.2. Тарафлар ўзаро келишолмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар тегишли тартибда иқтисодий судларда ҳал қилинади.

## **9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

9.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жилдий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар конунчиликда белгиланган тартибда ёзма шаклда амалга оширилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада ваколатга эта бўлган вакиллари томонидан имзолангандан сўнггина хақиқий хисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эгадир.

жон рақамли имзо орқали тасдиқланган, дужжат коди: 1411556600

9.4. Шартноманинг бажарилишида бир томонлама рад этиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, конун хужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Махсулот етказиб берувчи”

“Бухоро нефт базаси” МЧЖ  
Манзил: Бухоро вилояти, Когон тумани,  
Туткунда МФЙ  
Х/р: 20210000904268620001 МФО: 01115  
ИНН: 204587384  
БАНК: ХАТВ “Ориент Финанс  
банк” Тошкент ш, Шайхонтохур филиали  
тел: 65-228-74-77, 65-228-72-10 (бух-я)

“Исте’молчи”

Шофиркон Давлат о’рмон хо’жалиги  
Манзил: Шофиркон тумани Мустақиллик  
кучаси  
ИНН: 201114190 ОКЕД:  
ШХВ: 100021860062587042203142001  
Молия вазирлиги Шофиркон тумани Газначилик  
булими  
ИНН: 201122919  
Х/р: 23402000300100001010  
МФО: 00014  
БАНК: Марказий банк Тошкент шахар ББ ҲҚҚМ



И.И.Норов

Бошлиқ: — Э.Кенжав



— И.И.Норов  
24.01.2021 —

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA YURIDIK  
XULOSA**

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyihaning nomi: “Neft mahsulotlarini yetkazib berish haqidagi”


Shofirkon davlat o’rmon xo’jaligi va “Buxoro neft bazasi” MCHJ o’rtasidagi neft mahsulotlarini yetkazib berish haqidagi shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

Shofirkon davlat o’rmon xo’jaligi tomonidan 2022-yil 21-yanvar sanasida ishlab chiqilgan va markazga yuridik xulosa uchun taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti**



A.Nusratov